По результатам диссертационного исследования были сделаны выводы, разработаны предложения и рекомендации, имеющие теоретическое и научно-практическое значение:

I. Научно-теоретические выводы касательно ведомственных механизмов противодействия коррупции:

1.1. Разработка нижеследующих определений, с научной точки зрения, продиктована отсутствием исследований механизмов противодействия коррупции на микроуровне, а именно – на ведомственном, а также наличием

¹² Научные труды приведены в списке использованной литературы диссертационной работы.

различных противоречий в правоприменительной практике, которые в первую очередь нуждаются в научно-правовом разрешении:

а) ведомственный механизм противодействия коррупции – это система мер, устанавливающая формы внутреннего контроля по устранению коррупционных схем, то есть которые препятствуют при отсутствии ограничений и внешнего контроля совершению коррупционных действий сотрудниками ведомства;

б) конфликт интересов – это ситуация, при которой личная заинтересованность (прямая или косвенная) лица влияет или может повлиять на надлежащее исполнение им своих должностных или служебных обязанностей и при которой возникает (реальный конфликт интересов) либо может возникнуть (потенциальный конфликт интересов) противоречие между личной заинтересованностью и правами, законными интересами граждан, организаций, общества или государства;

в) государственный служащий – лицо, назначаемое или избираемое на постоянной, временной или специальной основе, исполняющее обязанности представителя органов власти либо выполняющее организационно-распорядительные, административно-хозяйственные задачи в государственной организации (за исключением организации с участием государства), уполномоченное на совершение юридически значимых действий, входящее в управленческий персонал и осуществляющее деятельность на основании трудового договора (контракта).

1.2. Ввиду различных подходов к разработке ведомственных механизмов противодействия коррупции в правоприменительной практике предлагается формировать их на основе анализа внешних и внутренних факторов, которые следует классифицировать по следующим видам: **правовой, организационный (институциональный), технологический и информативный.**

1.3. Анализ ведомственных механизмов противодействия коррупции, действующий в государственных органах, позволил установить их три вида моделей с тремя формами внутреннего контроля: 1) *Рекомендации ФАТФ – финансовый контроль*; 2) *Рекомендации Совета ОЭСР по вопросам публичной добропорядочности – административный контроль*; 3) *Международный стандарт ISO 37001:2016 – смешанный контроль.*

1.4. Исследование ведомственных механизмов противодействия коррупции показало, что ведомственные механизмы имеют следующие составные элементы: **субъект** – руководители (управляющий орган) государственных органов и сотрудники; **объект** – правоотношения между принципалом и сотрудниками, а также физическими и юридическими лицами; **предмет** – ведомственные правила антикоррупционного поведения.

1.5. Предлагается создать новую отрасль правовой науки, такую как «Антикоррупционное право Республики Узбекистан». При этом предлагается специализировать его по следующим направлениям: антикоррупционное право в государственном управлении; антикоррупционное право в быту;

антикоррупционное право в коммерческой деятельности; антикоррупционное право в некоммерческой деятельности; международное антикоррупционное право.

Антикоррупционное обучение предлагается разделить на два вида: 1) **базовое** – для всех граждан, направленное в большей степени на предотвращение коррупции; 2) **профессиональное** – для специалистов государственного и частного секторов, направленное и на предотвращение, и на противодействие коррупции.

1.6. Введение порядка согласования или рецензирования научных результатов исследований в других отраслях науки, которые направлены на развитие доктринальных основ «Антикоррупционного права Республики Узбекистан».

II. Предложения и рекомендации по совершенствованию национального законодательства:

2.1. На основе анализа ведомственных механизмов противодействия коррупции в Республике Узбекистан, которые установлены статьей 19 Закона Республики Узбекистан «О противодействии коррупции», предлагается изложить в следующей редакции: 1) обеспечение открытости деятельности государственных органов и их подотчетности, повышение эффективности системы государственного управления, усиление ответственности государственных органов, их должностных лиц и других работников за выполнение возложенных на них задач; 2) принятие основных антикоррупционных ведомственных документов, включающих регламентацию антикоррупционной политики, правил этического поведения и порядок управления конфликтом интересов; 3) проведение оценки и анализа коррупционных рисков в деятельности государственного органа, а также принятие соразмерных и действенных мер по минимизации выявленных рисков; 4) проведение процесса отбора и назначения персонала на основе принципа меритократии посредством онлайн-трансляции; 5) обеспечение выплаты надлежащего вознаграждения и установление справедливых надбавок на основе внедрения критериев эффективности, стандартов и систем оценки качества исполнения должностными лицами и другими работниками государственных органов своих должностных или служебных обязанностей; 6) эффективная реализация правил этического поведения работников государственных органов, определяющих единые принципы и правила этического поведения в профессиональной и внеслужебной деятельности; 7) установление порядка сообщения, декларирования и урегулирования конфликта интересов, а также обеспечение проведения мониторинга за их соблюдением; 8) установление порядка рассмотрения обращений о коррупционных действиях сотрудников, включая анонимные, при этом обеспечивая конфиденциальность данных обращений; 9) проведение антикоррупционных комплаенс-проверок, направленных на изучение эффективности принимаемых мер по предупреждению коррупции; 10) проведение антикоррупционной экспертизы проектов

нормативно-правовых актов, а также ведомственных актов; 11) обеспечение участия сотрудников на ежегодных курсах по антикоррупционному обучению, а также повышению их информированности в области противодействия коррупции.

2.2. Для эффективной организации внутреннего финансового контроля коррупции не только в органах юстиции, но и для других государственных органов в проекте Закона «О внутреннем контроле» следует оптимизировать действующую форму ведомственного финансового контроля.

2.3. Диссертантом предлагается дать следующее определение понятию «личная заинтересованность»: любая выгода или преимущество, которую может получить сотрудник государственного органа или иной организации, или связанные с ним лица, в результате непосредственного либо косвенного принятия им решения или иного его участия в этом процессе.

2.4. На основе результатов исследования предлагается разработать единый стандарт этических правил для государственных служащих в виде Кодекса этики государственных служащих Республики Узбекистан.

2.5. На основе результатов исследования определено, что антикоррупционная экспертиза является частью процесса оценки коррупционных рисков, оптимизация которой будет намного более эффективной мерой для выявления коррупционных рисков при анализе поступающих и выявленных данных. Поэтому предлагается разработать проект Закона Республики Узбекистан «Об оценке коррупционных рисков».

III. Практические предложения, направленные на повышение эффективности предупреждения коррупционных проявлений в системе Министерства юстиции Республики Узбекистан и иных государственных органах.

3.1. Исходя из анализа существующих внешних факторов в сфере государственной гражданской службы, предлагается усовершенствовать электронную систему «HR-Minjust» путем электронного упрощения процедуры проверки кандидатов на вакантную должность и интеграции в электронную базу данных «IS» Министерства внутренних дел Республики Узбекистан и «registr.stat.uz» Агентства статистики при Президенте Республики Узбекистан, а также установить сроки принудительной ротации сотрудников, должности которых имеют высокие коррупционные риски.

3.2. В связи с эффективностью системы комплаенс-контроля, предлагается увеличить регулярность проведения комплаенс-проверок в органах и учреждениях юстиции в дистанционном порядке путем использования электронно-коммуникационных технологий и электронных платформ (включающие в себя функции искусственного интеллекта).

3.3. В целях эффективного устранения коррупционных рисков предлагается предусмотреть следующие критерии при разработке антикоррупционных мер, направленные на: устранение «лазеек» в законодательстве путем

совершенствования актов законодательства; сокращение влияния человеческого фактора в публичных правоотношениях; цифровизацию процедур и функций, которые наиболее подвержены коррупции; обеспечение прозрачности, установление общественного контроля.

3.4. В результате проводимой работы в рамках проектов «Сфера без коррупции» и «Территория без коррупции» актуальной становится задача повышения результативности внедрения ведомственных механизмов противодействия коррупции, которую предлагается регламентировать в Примерном проекте «Антикоррупционный эксперимент».

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.31/31.12.2020.Yu.67.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ
МУҲОФАЗА ҚИЛИШ АКАДЕМИЯСИ**

САФАРОВ ТЕМУР УКТАМОВИЧ

**КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ИДОРАВИЙ
МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ (ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ МИСОЛИДА)**

12.00.12 – Коррупция муаммолари (юримдик фанлар)

**Юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент– 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.2/Ү620 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (рус, ўзбек, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.proacademy.uz) ва “ZiyoNET” Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Исмоилов Баходир Исламович
юридик фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Зуфаров Рустам Ахмедович
юридик фанлар доктори, профессор

Тухташева Умида Абдиловна
юридик фанлар доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Республикаси Президенти
ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.31/31.12.2020.Ү6.67.01 рақамли Илмий кенгашининг 2024 йил 23 апрель куни соат 10:30 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Рихсий кўчаси, 9. Тел.: (99871) 202-04-96; факс: (99871) 233-35-81; e-mail: info@proacademy.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (40-сонли рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Рихсий кўчаси, 9. Тел.: (99871) 202-04-96)

Диссертация автореферати 2024 йил “9” апрель куни тарқатилди.

(2024 йил “09” апрелдаги 06-рақамли реестр баённомаси).

М.М.Мамасиддиқов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор

Ш.И.Шайзаков

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

М.А.Аминжоновна

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, профессор

КИРИШ (PhD) фалсафа доктори диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда 2003 йил БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси қабул қилинганлиги кўплаб давлатлар томонидан оммавий ва ички идоравий коррупцияга қарши механизмларни шакллантириш амалиётларининг яратилишига хизмат қилиб келмоқда (Дания, Норвегия, Исландия, Латвия, Грузия, Буюк Британия, Бирлашган Араб Амирликлари ва бошқалар¹). Бироқ, халқаро рейтинг ташкилотлари томонидан ўтказилган тадқиқотларда рейтинг паст давлатларда ушбу механизмлар макро ва микро даражада қабул қилинмаганлиги ёки айрим давлатларда қабул қилинган бўлсада, улар самарали йўлга қўйилмаганлигини кўрсатмоқда. Бу эса, соҳада тадқиқотлар ўтказиш орқали мавжуд муаммоларни бартараф этишни долзарб қилиб қўймоқда.

Жаҳонда барча даражада мавжуд коррупциявий омилларни чеклаш, уларни бартараф қилишда уни содир этаётган шахслар хатти-ҳаракатларини чеклашга қаратилган ҳуқуқий ва идоравий механизмларни такомиллаштириш, коррупцияга қарши курашишда ҳукуматларни фақат баъзи элиталар эмас, балки бутун жамият манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилиши зарурлиги, давлат секторида коррупция жиноятларининг ўсиш тенденциялари таҳлили, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш масалалари устувор илмий тадқиқот йўналиши сифатида баҳоланмоқда.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда давлат секторида коррупцияга қарши курашишнинг идоравий механизмларини такомиллаштириш, давлат секторида коррупция жиноятларининг ўсишига йўл қўймаслик, ушбу соҳада давлат органлари фаолиятига рақамли технологияларни жорий қилиш, идоравий коррупцияга қарши механизмларни жорий қилиш соҳасида тизимли ислоҳотлар ўтказилмоқда. “Transparency International” халқаро ташкилоти томонидан эълон қилинадиган Коррупцияни қабул қилиш индексида камида 50 поғонага кўтарилишга эришиш, давлат харидлари тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларини бузиш ҳолатларини 2 баробарга камайтириш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг “коррупциядан ҳоли қонунчилик” тамойили асосида такомиллаштириш механизмини жорий қилиш² каби вазифалар белгиланиб, улар коррупцияга қарши курашиш идоравий механизмларини такомиллаштириш долзарблигини кўрсатмоқда.

Мазкур илмий-тадқиқот иши коррупцияга қарши курашиш тизими самарадорлигини оширишга ва жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш бўйича ишларни давом эттиришни жадаллаштиришни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (2023), “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонун (2017), “Ўзбекистон – 2030” стратегияси (2023), Ўзбекистон Республикаси

¹ Competitiveness in South East Europe 2021 : A Policy Outlook [Электронный ресурс]. – URL: <https://www.oecd-ilibrary.org/sites/dcbc2ea9-en/index.html?itemId=/content/publication/dcbc2ea9-en>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон – 2030” стратегияси тўғрисида”ги 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ–158-сон Фармони. [Электронный ресурс]. – URL: <https://lex.uz/docs/6600413> (дата обращения: 12.12.2023).

Президентининг 2021 йил 6 июлдаги “Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5177-сонли қарори ³ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 27 ноябрдаги “Коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати тизими самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-200-сонли Фармонида⁴ назарда тутилган вазифаларида белгиланган мақсадларига эришишга хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва техникасини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий ва маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Коррупцияга қарши курашнинг идоровий механизмлари маҳаллий илмий ҳамжамятда ўрганилмаган, аммо баъзи жиҳатлар кўйидаги олимларнинг илмий ишларида маълум даражада кўриб чиқилган: Б.Ж. Ахраров, Р.А. Зуфаров, Г.А. Алимов, А.А. Атаджанов, Ш.Р. Жалолов, Б.И. Исроилов, Б.И.Исмаилов, Е.В.Коленко, М.М. Мамасиддиқов, Ю.Ю. Исомиддинов, Ф.А. Примов, Б.Х. Пулатов, М.Х. Рустамбаев, О.Ю.Исмоилов, Ф.Б. Махмудов, М.Я. Мухаммадиева, Г.Б. Нурмухаммедова, Ю.С. Пулатов, Т.И. Кенжаев, У.М. Алоев, Н.С. Салаев, Г.З. Туляганова, Б.Б. Хидоятлов, Э.Т. Хожиев, А.С. Якубов ва бошқалар.

Коррупцияга қарши идоровий механизмларнинг назарий асослари ва амалий жиҳатлари МДХ мамлакатлари олимларининг илмий ишларида қисман муҳокама қилинган: И.С. Алакшин, А.И. Комарова, М.И. Лепихов, П.Г. Перерв, Д. Котсиски, М. Верешне Шомоши, Т.А. Кобелева, М.А. Самбор, И.В. Тимошенко, Л.В. Завгородная, Н.В. Хлонов, Т.В. Шершен ва бошқалар.

Хорижий олимлар А. Arvidsson, M. Borges, J. Whitaker, L. Holmes, N. Groenendijk, M. Johnston, M. Anguera, J. Hasty, I. Kwon, G. Corrado, F. Rossetti, S. Rose-Ackerman, M. Pyman, L. Adriatik, G. Ferguson, Cristi Danilet, Z. Smidova, A. Cavaciuti, J. Johnson ⁵ ва бошқалар коррупцияга қарши идоровий механизмларнинг айрим жиҳатларини кўриб чиққанлар.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот режаларининг боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясининг

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2021 йил 6 июлдаги ПҚ-5177-сон қарори. [Электронный ресурс]. – URL: <https://lex.uz/docs/5495533> (дата обращения: 12.12.2023).

⁴ О мерах по дальнейшему совершенствованию системы противодействия коррупции и повышению эффективности системы общественного контроля за деятельностью государственных органов и организаций: Указ Президента Республики Узбекистан от 27 ноября 2023 года № УП-200 [Электронный ресурс]. – URL: <https://lex.uz/docs/6676585> (дата обращения: 12.12.2023).

⁵ Ушбу муаллифларнинг илмий ишлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган

илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Коррупция муаммолари” устувор йўналиши доирасида амалга оширилган (2020-2023).

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги мисолида идоравий ва ички идоравий ҳужжатлар билан тасдиқланадиган, коррупцияга қарши курашишнинг идоравий механизмларининг ҳуқуқий ва назарий асосларини такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш, шунингдек уларнинг самарадорлигига таъсир қилувчи омилларни аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

коррупцияга қарши идоравий механизм тушунчаси ва моҳиятини очиқ бериш;

халқаро стандартларга асосланган коррупцияга қарши идоравий механизмларнинг моделларини ўрганиш;

Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашишнинг идоравий механизмларининг ҳуқуқий асосларини ҳуқуқий таҳлил қилиш;

адлия органларининг коррупцияга қарши маъмурий, молиявий ва аралаш назоратининг идоравий шаклларини ўрганиш;

коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш механизмини такомиллаштириш бўйича қиёсий ҳуқуқий тадқиқ этиш;

давлат органларида (хусусан, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида) коррупцияга қарши курашиш механизмларини жорий этиш тартибининг ҳуқуқий таҳлилинини ўтказиш;

адлия органлари ходимларини коррупцияга қарши ўқитишнинг идоравий механизмини амалга оширишдаги мавжуд муаммоларни илмий-амалий таҳлил қилиш.

Тадқиқотнинг объекти Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тизимида коррупцияга қарши курашиш бўйича идоравий маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар тартиби ҳисобга олинган.

Тадқиқотнинг предмети коррупцияга қарши кураш бўйича миллий меъёрий ҳужжатлар, коррупцияга қарши курашиш механизмларини шакллантириш соҳасидаги илмий ишланмалар ва илмий тадқиқотлар натижалари, ҳуқуқий статистика, социологик тадқиқотлар натижалари, шунингдек тергов амалиёти материалларидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда қиёсий ҳуқуқий таҳлил, тизимли-таркибий, тарихий, формал-мантиқий, илмий манбаларни ҳар томонлама тадқиқ этиш, социологик сўровлар, индукция ва дедукция, эмпирик материаллар таҳлили, статистик маълумотлар ва бошқалар усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:

ҳуқуқни қўллаш амалиётида “коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш”, “коррупциявий хавф-хатар”, “коррупциявий хавф-хатарлар харитаси”, “қолдиқ коррупциявий хавф-хатар” тушунчаларининг турлича талқин қилинишидаги тушунмовчиликларнинг олдини олиш мақсадида улар бўйича ишлаб чиқилган ҳуқуқий тушунтиришларни қонунчилик ҳужжатларида белгилаш асослантирилган;

адлия органларида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолашни ташкил этиш ва ўтказиш тартибини жорий қилиш асосида, давлат органларида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолашнинг ягона тартибини белгилаш асослаб берилган;

адлия органлари ва муассасалари функцияларида аниқланган коррупциявий хавф-хатарларни бартараф қилиш имкониятлари бўлмаган қолдиқ коррупциявий хавф-хатарларни мониторинг қилиш асосида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган тартиб ишлаб чиқилган;

адлия органлари ва муассасалари ходимлари томонидан ҳамда амалиётда давлат хизматчилари томонидан совға олиш билан боғлиқ учраётган латент жиноятларнинг олдини олиш эҳтиёжидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тизимида ходимлар томонидан совға бериш ва олиш тартибининг ички идоравий механизмини жорий қилиш асослантирилган;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тизимида ўтказилган апробация натижалари асосида давлат фуқаролик хизматчилари томонидан олинадиган “совға” тушунчаси, шунингдек улар билан боғлиқ чекловларнинг қонунчиликда мустаҳкамланиши асослантирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

биринчи марта “коррупцияга қарши идоравий механизмлар” тушунчасининг таърифи ва унинг моҳияти илмий асослантирилган, шунингдек унинг бошқа идоравий назорат механизмларидан фарқи кўрсатиб берилган;

коррупцияга қарши идоравий назоратнинг таъсир доирасини чегаралаш имконини берувчи коррупцияга қарши курашишнинг идоравий механизмларини тартибга солиш объектлари, субъектлари ва предмети аниқлаштирилган;

қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш асосида коррупцияга қарши курашиш идоравий механизмларнинг янги рўйхати шакллантирилган;

“Ички назорат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасининг концепцияси ишлаб чиқилган;

давлат хизматчилари, шу жумладан адлия органлари ходимлари фаолияти билан боғлиқ бўлган “шахсий манфаат” тушунчасининг муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган бўлиб, у манфаатлар тўқнашуви ҳолатларини коррупцияга оид жиноятларнинг бошқа турларидан ажратиш учун асос бўлиб хизмат қилган;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупция хавфини баҳолаш ҳамда коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш тартибига ёндашувлар қайта кўриб чиқилган, шу асосда давлат ташкилотларида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолашнинг янги тартиби ва жавобгарлик чоралари таклиф этилган;

“Ўзбекистон Республикаси давлат хизматчиларининг одоб-ахлоқ кодексини тасдиқлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палатларининг қарори лойиҳаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот халқаро стандартлар, қонунчилик ҳужжатлари, ривожланган хорижий давлатлар тажрибаси, социологик сўровнома шаклларига асосланган, статистик маълумотлар таҳлили, ҳуқуқни қўллаш амалиётдаги муаммоларни аниқлаш, уларни ҳал этишга йўналтирилган ҳаракатлар моделларининг методик хусусиятига эга тавсиялар орқали синовдан ўтказилганлиги, натижалари – фаолиятнинг самарадорлигига таъсир этишга қаратилган ваколатли давлат органлари томонидан натижаларнинг жорий қилиниши бўйича далолатномалар билан тасдиқланган ва қонунчилик ҳужжатлари билан амалиётга жорий этилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, унда келтирилган илмий хулосалар ва таклифлардан келгуси илмий фаолият, қонун ижодкорлиги, ҳуқуқни қўллаш амалиётини, Ўзбекистон Республикаси адлия вазирлигининг коррупцияга қарши курашиш идоравий механизмининг янада такомиллаштиришга ҳамда Ўзбекистонда биринчи бор ҳуқуқ соҳасида “Коррупцияга қарши курашиш” мустақил ҳуқуқ институтини шакллантиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, унда илгари сурилган илмий-назарий хулосалар, амалий таклиф ва тавсиялардан коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштиришда, тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашда, давлат органларидаги коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш учун методологик асосларни яратишда, шунингдек, давлат органларининг коррупцияга қарши ички назорат тузилмаларининг ходимлари, Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси тингловчилари ва бошқа олий таълим муассасалари талабалари учун илмий ва услубий қўлланмалар ишлаб чиқишда ҳамда ўқув жараёнида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Мазкур тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган таклифлар:

Ҳуқуқни қўллаш амалиётида “Коррупциявий хавф-хатарни баҳолаш”, “коррупциявий хавф”, “коррупциявий хавф-хатар харитаси”, “қолдиқ коррупциявий хавф-хатар” тушунчаларини, шунингдек, коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш шакллари бўйича таклиф Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ва Адлия вазирлигининг қўшма қарори билан тасдиқланган Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шу жумладан уларнинг ҳудудий бўлинмалари, давлат унитар корхоналари ва муассасалари, давлат улуши 50 фоиздан юқори ташкилотлар фаолиятида коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш услубиётида (31.08.2022 йил, рўйхат рақами 3383-сон) ўз аксини топган (Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг 2022 йил 19 декабрдаги далолатномаси). Юқоридаги таърифларнинг ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланиши натижасида уларнинг амалиётдаги турли талқин қилишдаги номувофиқликлар, хусусан, коррупциянинг сабаблари ва шароитлари деганда коррупцияга қарши тарғибот ишлари ёки коррупция жиноятлари учун

жавобгарлик моҳиятини етарли даражада тушунтирилмаслиги каби ёндашувлар бартараф этилган;

Адлия органлари ва муассасаларининг функцияларида аниқланган қолдиқ коррупциявий хавф-хатарларини назорат қилиш бўйича таклифлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2020 йил 24 февралдаги 45-ум-сонли буйруғи билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тизимида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш методологиясида акс эттирилган (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2022 йил 23 июндаги 1-03/03-355/8-сон далолатномаси). Ушбу тартибнинг белгиланиши натижасида коррупция хавфининг ушбу турини камайтиришга қаратилган доимий коррупцияга қарши чоралар кўриш имконияти яратилган;

давлат ташкилотларида коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолашни ўтказиш тартибини белгилаш таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат бошқаруви соҳасида коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш механизмларини такомиллаштириш ва ушбу соҳада жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 11 майдаги ПҚ–240-сонли қарорида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2022 йил 23 июндаги 1-03/03-357/8-сон далолатномаси). Натижада давлат органларида коррупциявий хавф-хатарларни йиллик баҳолашнинг ягона соддалаштирилган тартиби белгиланган;

адлия органлари ва муассасалари ходимлари томонидан совғалар олиш тартибини тартибга солиш тўғрисидаги таклиф Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2020 йил 24 февралдаги 43-ум-сонли буйруғи билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси адлия органлари ва муассасалари ходимларининг одоб-ахлоқ қоидаларида акс эттирилган (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2022 йил 23 июндаги 1-03/03-356/8-сон далолатномаси). Натижада ушбу ҳаракатлар билан боғлиқ латент коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишига нисбатан чеклов чоралари белгиланган;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тизимида ўтказилган апробация натижалари асосида “совға” тушунчасига таъриф, давлат фуқаролик хизматчилари томонидан совғалар олишига қўйиладиган талабларни белгилаш, шунингдек, давлат фуқаролик хизматчисининг хизмат ваколатларини жисмоний ва юридик шахслар манфаатларини кўзлаб бажариш ёки бажармаслик эвазига улардан ҳар қандай совғалар олишни тақиқлаш, давлат фуқаролик хизматчиси томонидан алоҳида хизматлари учун давлат органининг тегишли қарори асосида олинган совғалар (мусобақалар ва танловларда эришган ютуқлари, давлат байрамлари, нишонланадиган саналар ҳамда бошқа расмий тадбирлар муносабати билан мукофотлаш натижасида олинган совғалар мустасно) таклифи “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида” 2022 йил 8 августдаги ЎРҚ–788-сонли Қонуннинг 18-моддадаги қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитасининг 2023 йил 13 январдаги 04/10-10-3-сон далолатномаси). Натижада барча давлат фуқаролик хизматчилари томонидан совғалар олишнинг ягона тартиби

белгиланди ва ушбу ҳаракатлар билан боғлиқ латент коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга чек қўйилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 та (2 та халқаро, 2 та республика) илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертантнинг ушбу мавзу бўйича 15 та илмий мақоласи, жумладан, 14 та илмий мақоласи чоп этилган (2 та республика ва 2 та халқаро конференцияларда, шунингдек 2 та хорижий нашрда) ва битта ўқув қўлланма.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, 9 параграфдан иборат бўлган учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 154 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАСИНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертация ишининг **кириш** (диссертация ишининг аннотацияси) қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблик даражаси ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ҳамда уларнинг илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилинганлиги, апробацияси, натижаларининг эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритилган.

Диссертация ишининг **“Давлат секторида коррупцияга қарши курашиш идоравий механизмларининг илмий-ҳуқуқий тавсифи”** деб номланган биринчи бобида ушбу соҳада илмий тадқиқотларнинг камлигини инобатга олиб ҳуқуқий таҳлил қилиш усулидан фойдаланган ҳолда давлат секторида коррупцияга қарши курашишнинг идоравий механизмларининг илмий-ҳуқуқий асослари таҳлил қилинган.

Ушбу бобда табиатан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ёки юридик аҳамиятга эга ҳужжатлар, яъни буйруқ ва фармойишлар кўринишида қабул қилинадиган “коррупцияга қарши курашиш идоравий механизмлари” ва унинг тушунчаси, моҳияти, мазмуни, фарқлари ва моделлари очиқ берилган.

Коррупцияга қарши курашиш идоравий механизмларини тадқиқ қилишда, асосий йўналишни норвегиялик иқтисодчи олим Т.Серейде тадқиқот ишлари кўрсатган бўлиб, коррупциянинг ички назорати ходимнинг қонуний манфаатларига зид бўлмаган қонунчилик нормаларига асосланиш кераклигини таъкидлайди. Ҳуқуқ ва иқтисод профессори С.Роуз–Акерманнинг баҳосига кўра ҳам, бу порахўрликка қарши курашиш бўйича бошқарувни яхшилаш ўрнига қаттиқ жазолар билан чеклаш орқали қонунбузарларнинг жазосиз қолишига олиб келиши мумкин. Бироқ, ички

ислохотлар ва коррупцияга қарши кураш дастурини ишлаб чиқиш ҳақиқатда бундай ҳолатларнинг олдини олиши мумкин⁶.

Жумладан, коррупцияга қарши идоравий механизмларни тушунишга миллий ёндашув кўриб чиқилди. Масалан, тадқиқотчи А.А. Атажанованинг илмий хулосаларига кўра, суд-ҳуқуқ тизимида коррупциянинг олдини олиш суд тизимининг тегишли субъектларининг судьялар ва суд аппарати ходимлари ўртасида коррупция содир этилишига сабаб бўлаётган омиллар ва шарт-шароитларни ўрганиш, аниқлаш ва бартараф этиш бўйича процессдан ташқари фаолият деб баҳоланган, бироқ бизнинг фикримизча процессуал ҳаракатнинг ичида ҳам коррупциявий сабаб ва шароитлар мавжуд, бунга яққол мисол сифатида, манфаатлар тўқнашувини ёки бошқача қилиб айтганда ўзини-ўзи рад қилиш институтини келтириб ўтишимиз мумкин⁷.

Бунда, диссертация муаллифи коррупцияга қарши курашиш идоравий механизмлари доирасидан ташқарида мавжуд бўлган элементларни ҳам ҳисобга олиш лозимлигини таклиф қилмоқда, яъни коррупцияга қарши курашишнинг технологик ва ахборот механизмларини келтирмоқда.

Диссертация муаллифи бундай нуқтаи-назарнинг сабаби сифатида коррупцияга қарши курашишнинг технологик механизмларида бугунги кунда қонунчилик билан тартибга солинмайдиган коррупцияга қарши курашиш усулларини бажарадиган, яъни чеклаш ва рад этиш функцияларини бажарадиган, шунингдек аниқлаш ва белгилаш алгоритмининг топиш мумкинлигини таъкидлайди.

Илмий тадқиқотчилар томонидан таъкидланган таърифларнинг асослилиги ва бир қатор омиллар мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда, диссертант томонидан “коррупцияга қарши курашиш” тушунчасини коррупциявий схемаларни бартараф этишнинг ҳуқуқий, ташкилий (институционал), технологик ва ахборот механизмларга боғлиқлиги ҳолда кўрилишини таклиф этилади.

Бундан ташқари, тадқиқот натижасида миллий ҳуқуқни қўллаш амалиётида халқаро стандартлар ва тавсиялардан келиб чиқадиган муаммолар аниқланди, бунга сабаб коррупцияга қарши идоравий механизмларнинг **учта модели** шаклланиши бўлганлиги деб белгиланмоқда: ISO: 37001 “Коррупцияга қарши курашиш менежмент тизимлари”, ФАТФ тавсиялари, ИХТТ Кенгашининг Оммавий ҳалоллик масалалари бўйича тавсиялари.

Коррупцияга қарши идоравий механизмларнинг замонавий моделларини шакллантириш асоси 1914 йилда ўзаро боғлиқ функциялар ёки бошқача айтганда, ички назорат билан тавсифланган бошқарув жараёнининг узлуксизлиги концепциясини асослаб берган олим Анри Фаёл концепцияси⁸ билан боғлиқлиги кўрсатиб берилган. Бу тушунча аста-секин ташкилий бошқарувда қўлланила бошланди ва Ғарб мамлакатларида кенг тарқалди.

⁶ Ушбу муаллифларнинг илмий ишлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

⁷ Ушбу муаллифларнинг илмий ишлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

⁸ Ушбу муаллифларнинг илмий ишлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган

Гнесологик ва қиёсий таҳлилларнинг натижаларига кўра, юқоридаги моделлар ўзларининг ўхшаш ва ўзига хос хусусиятларини кўрсатди, бу эса ISO 37001 халқаро стандарти ва ИХТТ Кенгашининг Оммавий ҳалоллик масалалари бўйича тавсиялари бир хил деган хулосага келинди, шу билан бирга ISO 37001 халқаро стандартининг талаблари бошқа моделларга нисбатан анча кенгроқлиги белгиланди. Чунки у ФАТФ тавсиясининг элементлари бўлган молиявий ва номолиявий назорат механизмларини ҳам камраб олади.

Бироқ, ҳуқуқни қўллаш амалиётида ички аудит ва монополияга қарши компаленс кўринишида шаклланган молиявий ва номолиявий назорат механизмларининг хилма-хиллиги туфайли диссертация муаллифи уларни ISO 37001 халқаро стандарти механизмлари сифатида кўриб чиқиш керак, деб ҳисоблайди.

Ўз навбатида, ушбу механизмлар юридик ҳужжатларни қабул қилиш орқали ифодаланиши, уларни ҳуқуқий аҳамиятига кўра икки гуруҳга бўлиш мумкин: норматив ва индивидуал. Бироқ, Ю.Н. Стариков бошқарув актларининг аралаш шакллари мавжудлиги тўғрисидаги фикрни илгари суриб, улар ҳуқуқий нормаларни (умуман мажбурий қоидалар) ва индивидуал ўзига хос қарорларни (масалан, буйруқлар, кўрсатмалар, махсус қоидалар) ўз ичига олишини кўрсатиб берган.

Бундай ҳужжатларга “стандартлаштириш, санитария, ветеринария, ветеринария-санитария, фитосанитария қоидалари ва нормалари, шаҳарсозлик, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш нормалари ва қоидалари бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги бошқа ҳужжатлар” киради.

Шунингдек, диссертация муаллифининг фикрича, “давлат хизматчиси” тушунчасининг қонуний таърифи йўқлиги давлат хизматини бажаришда коррупцияга қарши ҳулқ-атвор қоидаларига риоя этилиши учун масъул шахслар доирасини аниқлашга тўсқинлик қилади. Шу муносабат билан диссертация муаллифи илмий тадқиқотчиларнинг фикр-мулоҳазалари, шунингдек, “мансабдор шахс” ва “хизматчи” тушунчаларининг таърифини тартибга солувчи миллий қонунчилик меъёрлари асосида “давлат хизматчиси” тушунчасига таъриф ишлаб чиқилди.

Диссертация тадқиқотининг “**Адлия органларининг коррупция устидан назоратининг идоравий шакллари**” деб номланган иккинчи бобида ISO 37001 “Коррупцияга қарши курашиш” халқаро стандарти асосида Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашишнинг идоравий механизмларини жорий этиш натижалари берилган. “Коррупцияга қарши курашиш тизимлари” давлат хизматчилари томонидан уларга риоя қилмаганликлари учун маъмурий ва бошқа турдаги жазоларни белгилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги мисолида, шунингдек, уларни қонунчиликда мустаҳкамлаш масалалари ўрганилмоқда.

Жумладан, адлия органларида коррупцияга қарши идоравий назоратнинг 3 тури: идоравий коррупцияга қарши курашиш механизмларининг мақсад ва

вазифаларидан келиб чиқиб белгиланадиган **маъмурий, молиявий ва аралаш** назорат турлари белгиланган.

Коррупцияга қарши идоравий маъмурий назорат тури – бу идоравий назорат турларидан бири бўлиб, унинг объекти давлат ташкилотлари, компанияларнинг таркибий бўлинмалари ва уларнинг ходимлари, шу жумладан мансабдор шахсларнинг фаолияти ҳисобланади.

Ўз навбатида, адлия органларининг коррупцияга қарши идоравий маъмурий назоратининг қуйидаги механизмлари белгиланди: 1) Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг HR-тизими; 2) Ўзбекистон Республикаси адлия органлари ва муассасалари томонидан давлат харидлари доирасидаги харидлар тартиб-таомиллари иштирокчиларини текшириш жараёни бўйича инструкция; 3) Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тизимида коррупцияга қарши курашиш тамойиллари ва талабларига риоя этилишини мониторинг қилиш ва назорат қилиш методикаси; 4) “Сирли мижоз” тадбирини ўтказиш тартиби. Шу билан бирга, идоравий назоратнинг ушбу шаклини янада такомиллаштириш бўйича муаммоли вазиятлар аниқланди.

Коррупцияга қарши идоравий молиявий назорат тури – бу давлат органи раҳбари томонидан коррупция ҳолатларини аниқлаш ва олдини олиш учун қўлланиладиган ташкилий чора-тадбирлар, ҳисобга олиш ва назорат қилиш воситалари, усуллари ва тартиблари мажмуи эканлиги билан тавсифланади. Адлия органларида коррупцияга қарши идоравий молиявий назоратнинг асосий механизми ички молиявий аудитни ўтказиш ҳисобланади.

Шу билан бирга, унинг қуйидаги турлари аниқланади: комплекс, хавф-индикатив ва долзарб.

Шунингдек, ўрганиш доирасида адлия органлари давлат хизматларини кўрсатиш доирасида бошқа органлар билан ўзаро ҳамкорликда бўлганлиги сабабли, давлат органларида идоравий аралаш назоратни амалга оширишнинг ягона амалиётини йўлга қўйиш учун ҳуқуқий-меъёрий қўллаб-қувватлаш зарурлиги белгиланди. Яъни, коррупция ҳолати давлат хизматларининг умумий ҳолатига, шу жумладан адлия органларига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган бошқа давлат органлари фаолияти билан ҳам боғлиқлиги кўриб чиқилди.

Шунингдек, 2022 йилда БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясининг халқаро мониторинг гуруҳи томонидан аниқланган адлия органлари фаолияти доирасидаги ички идоравий назоратнинг ушбу турига оид муаммоли масалалар ҳам таҳлил қилинди ва Давлат харидлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, давлат хизматчиларининг даромадлари устидан ички назоратни ўрнатиш, ички аудит ва монополияга қарши қонунчиликка риоя этиш бўлинмалари функцияларининг такрорланишига барҳам бериш механизмлари таклиф этилди.

Коррупцияга қарши ички идоравий назоратнинг аралаш тури – идоравий механизмлари коррупциявий ҳаракатларни аниқлаш ва олдини олишга қаратилган назоратнинг молиявий ва номолиявий шаклларида қўйиладиган талаблар мажмуидир. Шундан келиб чиқиб, адлия органларида коррупцияга қарши идоравий аралаш назоратнинг қуйидаги механизмлари белгиланди:

Адлия органлари ва муассасалари ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари; Адлия вазирлиги тизимида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш услубиёти; Манфаатлар тўқнашувини бошқариш тўғрисидаги низом.

Шунингдек, ўрганиш доирасида адлия органлари давлат хизматларини кўрсатиш доирасида бошқа органлар билан ўзаро ҳамкорликда бўлганлиги сабабли, давлат органларида идоровий аралаш назоратни амалга оширишнинг ягона амалиётини йўлга қўйиш учун ҳуқуқий-меъёрий қўллаб-қувватлаш зарурлиги белгиланди.

Диссертант томонидан адлия органларида ва бошқа давлат органларига қўйилган ушбу турлардаги коррупцияга қарши идоровий назоратнинг ҳар бир турларини ўрганиб чиқиб, “Ички назорат тўғрисида”ги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқишнинг концептуал асосларини, шу жумладан коррупцияга қарши курашишнинг юқорида кўрсатилган барча турдаги идоровий механизмларига қўйиладиган талабларни шунингдек, уларни амалга ошириш асослари ва тартиби ўрганиб чиқилди.

Диссертация тадқиқотининг **“Коррупцияга қарши курашишнинг идоровий механизмларини такомиллаштиришнинг асосий масалалари (Адлия вазирлиги мисолида)”** деб номланган учинчи бобида коррупцияга қарши ички идоровий механизмларни такомиллаштиришга тўсқинлик қилаётган муаммоли масалалар, шу жумладан коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш, “Коррупцияга қарши эксперимент”, давлат хизматчиларини коррупцияга қарши курашиш бўйича ўқитиш масалалари ёритилди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг коррупцияга қарши курашишнинг ички идоровий механизмларини ўрганиш давомида биз коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш коррупцияга қарши курашишнинг у ёки бу механизмини қабул қилиш заруратини белгилайдиган ва кўрсатиб берадиган коррупцияга қарши асосий ички идоровий механизм ҳисобланади деган хулосага келдик.

Базел бошқарув институти, Минтақавий аксилкоррупция ташаббуслари маркази ва бошқа тадқиқотчилар амалиётини ўрганиш асосида қонун ҳужжатларида коррупцияга қарши экспертизаларни ўтказиш ва коррупциявий хавф-хатарларни мунтазам баҳолаш муҳимлиги қайд этилди.

Шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш ва коррупцион ҳаракатларни баҳолаш ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш, шунингдек, кундалик ҳаётда коррупцияга дуч келадиган ташкилотларнинг масъулиятини ошириш муҳимлигини ҳисобга олган ҳолда, диссертант ушбу ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш бўйича хорижий амалиётни (АҚШ, Испания, Франция, Италия, Буюк Британия) ўрганган.

Юқоридаги ҳолатлардан келиб чиққан ҳолда, давлат органлари ва ташкилотлари ходимларининг коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этишига йўл қўймайдиган коррупцияга қарши курашишнинг самарали механизмларини шакллантириш учун шарт-шароитларни яратиш, хусусан, коррупцияга қарши курашишнинг идоровий механизмларини жорий этиш тизими ҳам мавжуд. Хусусан, диссертант томонидан “Коррупциясиз соҳа” ва “Коррупциясиз ҳудуд” лойиҳаларини амалга ошириш доирасида ушбу тизим

Ўрганилиши натижасида аниқланган камчиликлар “Коррупцияга қарши эксперимент” деб таърифланиши асослантилди.

Хорижий амалиётда илмий тадқиқотчи М.Н.Темурзиевлар ўз вақтида ҳуқуқий чоралар кўриш учун идоравий маҳаллий ҳужжатларни қабул қилиш орқали коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирларни моделлаштиришни таклиф қилинган, ҳуқуқни қўллаш амалиётида бу борада амалий тадқиқот ишлари ҳам олиб борилмоқда. Хусусан, Украина, Хитой, Ҳиндистон, Чехия, Буюк Британия, Австралия каби мамлакатларда ахборот технологияларини такомиллаштириш орқали давлат ва хусусий секторда коррупцияга барҳам бериш мақсадида коррупцияга қарши тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Юқоридаги тадқиқот натижалари “Коррупцияга қарши эксперимент”да ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш механизмини шакллантириш учун асос ва зарурат бўлиб хизмат қилди.

“Коррупциясиз соҳа” ва “Коррупциясиз ҳудуд”ни шакллантириш йўлида аҳолининг, айниқса, давлат хизматчиларининг коррупцияга қарши саводхонлиги ва тинимсиз коррупцияга йўл қўймаслиги муҳим аҳамиятга эга.

Шу муносабат билан, давлат хизматчиларининг коррупцияга қарши малакасини оширишнинг илмий асосларини такомиллаштириш бўйича таклиф ишлаб чиқиш мақсадида диссертацияда академик тадқиқотчиларнинг фикр-мулоҳазалари ва давлат хизматчиларини ўқитишнинг амалий натижалари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ходимлари ва бошқа илмий марказларнинг олимлари ўртасида ўтказилган сўровнома асосида ўрганилди.

Ўтказилган сўровнома натижаларига кўра, 78,3% респондентлар томонидан “Ўзбекистон Республикасининг Коррупцияга қарши курашиш ҳуқуқ” фани алоҳида ҳуқуқ соҳаси сифасида шаклланиши кераклиги қўллаб қувватланди.

Чунки, юқорида айтиб ўтилганидек, коррупция ўз хусусиятларига кўра бошқа мамлакатлардаги коррупция билан бир хил эмас. Ушбу позиция А. Лахман, А. Каморова, С. Алексеев, М. Лепихов, А. Марозова, В Сирих МДХ давлатлари олимлари, шунингдек Н. Салаев, Б. Ҳидоятлов, Г. Тулаганова, С. Ниёзова ва бошқа олимларнинг нуқтаи-назарини инобатга олган ҳолда асослантилган.⁹

Юқорида келтирилган фикрларнинг сабаб ва асоси сифатида давлат хизматчиларини коррупцияга қарши курашиш бўйича ўқитишни такомиллаштириш масаласини илмий-ҳуқуқий асоссиз амалга ошириб бўлмаслигини ташкил этмоқда.

Шу билан бирга диссертант юқоридаги институтни шакллантириш учун зарур бўлган масалалар ва илмий доирадаги мавжуд муаммолар Ўзбекистон Республикасида бошқа тармоқ ҳуқуқий институтларига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган коррупциянинг моҳиятини тушунишга ягона ёндашувлар йўқлиги билан боғлиқ деб ҳисоблайди.

⁹ Ушбу муаллифларнинг илмий ишлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

ХУЛОСА

Диссертация тадқиқоти натижалари асосида назарий, илмий ва амалий аҳамиятга эга бўлган хулосалар, тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

I. Коррупцияга қарши курашишнинг идоравий механизмлари бўйича илмий-назарий хулосалар:

1.1. Илмий нуқтаи-назардан қуйидаги таърифларни ишлаб чиқиш микродаражада, хусусан, идоравий даражада коррупцияга қарши курашиш механизмларининг ўрганилмаганлиги, шунингдек ҳуқуқни қўллаш амалиётида турли хил қарама-қаршиликлар мавжудлиги, уларнинг биринчи навбатда илмий-ҳуқуқий ечимларига бўлган эҳтиёжи билан боғлиқ:

а) коррупцияга қарши ички идоравий механизм – бу коррупциявий схемаларни бартараф этиш бўйича ички назорат шакллари билан белгиланган, яъни чекловлар ва ташқи назорат мавжуд бўлмаганда идора ходимлари томонидан коррупцияга оид ҳаракатлар содир этилишининг олдини олувчи чора-тадбирлар тизимидир;

б) манфаатлар тўқнашуви – шахснинг шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлиги унинг ўз лавозим ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари, қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган (мавжуд манфаатлар тўқнашуви) ёки юзага келиши мумкин бўлган (эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви) вазият;

в) давлат хизматчиси – доимий, вақтинча ёки махсус ваколат бўйича тайинланадиган ёки сайланадиган, ҳокимият вакили вазифаларини бажарадиган ёхуд давлат ташкилотларида (давлат иштирокидаги ташкилот бундан мустасно) ташкилий-бошқарув, маъмурий-ҳўжалик вазифаларини амалга оширадиган ва юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни амалга оширишга ваколат берилган шахс ҳамда меҳнат шартномаси (контракт) асосида фаолиятни амалга оширувчи бошқарув ходими.

1.2. Ҳуқуқни қўллаш амалиётида коррупцияга қарши идоравий механизмларни ишлаб чиқишга турлича ёндашувларни ҳисобга олган ҳолда, уларни ташқи ва ички омилларни таҳлил қилиш асосида, уларни қуйидаги турларга бўлиш орқали шакллантириш керак: **ҳуқуқий, ташкилий (институционал), технологик ва ахборотлаштириш.**

1.3. Давлат органларида коррупцияга қарши курашишнинг идоравий механизмларини таҳлил қилиш ички назоратнинг учта шаклига эга бўлган учта турдаги моделларни аниқлашга имкон берди: 1) ФАТФ тавсиялари – молиявий назорат; 2) ИХТТ Кенгашининг Оммавий ҳалоллик масалалари тавсиялари – маъмурий назорат; 3) ISO 37001:2016 халқаро стандарти – аралаш назорат.

1.4. Коррупцияга қарши курашишнинг идоравий механизмларини ўрганиш шуни кўрсатдики, идоравий механизмлар қуйидаги таркибий элементларга эга: субъект – давлат органларининг раҳбарлари (бошқарувчи органи) ва ходимлар;

объект – раҳбар ва ходимлар, шунингдек жисмоний ва юридик шахслар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатлар; предмети – коррупцияга қарши ҳуқуқ-атворнинг идоравий қоидалари.

1.5. “Ўзбекистон Республикасининг Коррупцияга қарши курашиш ҳуқуқ” фани каби янги соҳани яратиш таклиф этилмоқда. Шу билан бирга, қуйидаги йўналишлар бўйича ихтисослашиш таклиф этилмоқда: давлат бошқарувида коррупцияга қарши курашиш ҳуқуқи; маиший коррупцияга қарши курашиш ҳуқуқи; тижорат фаолиятидаги коррупцияга қарши курашиш ҳуқуқи; нотижорат фаолиятда коррупцияга қарши курашиш ҳуқуқи; халқаро коррупцияга қарши курашиш ҳуқуқи.

Коррупцияга қарши курашиш бўйича ўқитишни икки турга бўлиш таклиф этилади: 1) асосий – барча фуқаролар учун, биринчи навбатда, коррупциянинг олдини олишга қаратилган; 2) профессионал – коррупциянинг олдини олишга ва унга қарши курашишга қаратилган давлат ва хусусий сектор мутахассислари учун.

1.6. “Ўзбекистон Республикасининг Коррупцияга қарши курашиш ҳуқуқ” фанининг доктринал асосларини такомиллаштиришга қаратилган бошқа фан соҳалари бўйича илмий тадқиқотлар натижаларини келишиш ёки тақриз бериш тартибини жорий этиш.

II. Миллий қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар:

2.1. “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 19-моддасида белгиланган Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашишнинг идоравий механизмларини таҳлил қилишдан келиб чиқиб, қуйидаги таҳрирда баён этилиши таклиф этилади: 1) давлат органлари фаолиятининг очиқлигини ва уларнинг ҳисобдорлигини таъминлаш, давлат бошқаруви тизими самарадорлигини ошириш, давлат органлари, уларнинг мансабдор шахслари ва бошқа ходимларининг ўз зиммаларига юкланган вазифаларни бажариш учун жавобгарлигини кучайтириш; 2) коррупцияга қарши курашиш бўйича асосий идоравий ҳужжатларни, шу жумладан коррупцияга қарши сиёсатни тартибга солиш, одоб-ахлоқ қоидалари ва манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш тартибларини қабул қилиш; 3) давлат органи фаолиятидаги коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш ва таҳлил қилиш, шунингдек аниқланган хавфларни минималлаштириш бўйича мутаносиб ва самарали чоралар кўриш; 4) онлайн трансляция орқали меритократия тамойили асосида саралаш ва тайинлаш жараёнларини амалга ошириш; 5) давлат органларининг мансабдор шахслари ва бошқа ходимларининг ўз хизмат ёки хизмат вазифаларини бажариш сифатини баҳолаш мезонлари, стандартлари ва тизимларини жорий этиш асосида тегишли ҳақ тўланишини ва адолатли мукофотлар белгилашни таъминлаш; 6) давлат органлари ходимларининг касбий ва ишдан ташқари фаолиятида ахлоқий ҳуқуқ-атворнинг ягона тамойиллари ва қоидаларини белгиловчи одоб-ахлоқ қоидаларига самарали риоя қилинишини таъминлаш; 7) манфаатлар тўқнашуви тўғрисида хабар

бериш, маълум қилиш ва тартибга солиш тартибини белгилаш, шунингдек уларга риоя этилиши устидан мониторингни амалга оширишни таъминлаш; 8) ходимларнинг коррупцияга оид хатти-ҳаракатлари, шу жумладан аноним хатти-ҳаракатлари тўғрисидаги шикоятларни кўриб чиқиш тартибини белгилаш, ушбу шикоятларнинг махфийлигини таъминлаш; 9) коррупциянинг олдини олиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар самарадорлигини ўрганишга қаратилган коррупцияга қарши мувофиқлик аудитини ўтказиш; 10) норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари, шунингдек идоравий ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш; 11) ходимларнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича ҳар йили ўтказиладиган ўқув курсларида иштирок этишини таъминлаш, шунингдек, уларнинг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги хабардорлигини ошириш.

2.2. Коррупцияга қарши ички молиявий назоратни самарали ташкил этиш учун нафақат адлия органлари, балки бошқа давлат органлари учун “Ички назорат тўғрисида”ги қонун лойиҳасида идоравий молиявий назоратнинг амалдаги шаклини оптималлаштириш зарур.

2.3. Диссертация муаллифи “шахсий манфаат” тушунчасига қуйидаги таърифни беришни таклиф қилади: “давлат органининг ёки бошқа ташкилотнинг ходими ёхуд у билан алоқадор шахслар ушбу ходим томонидан бевосита ёки билвосита қарор қабул қилиниши ёки ходимнинг ушбу жараёнда бошқача тарзда иштирок этиши натижасида олиши мумкин бўлган ҳар қандай наф ёки афзаллик”.

2.4. Тадқиқот натижаларига кўра, Ўзбекистон Республикаси давлат хизматчиларининг одоб-ахлоқ кодекси шаклидаги давлат хизматчиларининг одоб-ахлоқ қоидалари ягона стандартини ишлаб чиқиш таклиф этилмоқда.

2.5. Тадқиқот натижаларига кўра, коррупцияга қарши экспертизани амалга ошириш коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш жараёнининг бир қисми эканлиги, уни оптималлаштириш ва аниқланган маълумотларни таҳлил қилишда коррупция хавфини аниқлашнинг анча самарали бўлиши аниқланди. Шу боис “Коррупция хавф-хатарларни баҳолаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш таклиф этилмоқда.

Ш. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва бошқа давлат органлари тизимида коррупциянинг олдини олиш самарадорлигини оширишга қаратилган амалий таклифлар.

3.1. Давлат хизмати соҳасида мавжуд ташқи омилларни таҳлил қилиш асосида вакант лавозимга номзодларни текшириш тартибини электрон шаклда соддалаштириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг “ITS” электрон маълумотлар базаси ва “registr.stat.uz”га интеграциялашган ҳолда “HR-Minjust” электрон тизимини такомиллаштириш. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги, шунингдек, лавозимида коррупция хавфи юқори бўлган ходимларни мажбурий ротация қилиш муддатларини белгилаш таклиф этилмоқда.

3.2. Мувофиқликни назорат қилиш тизимининг самарадорлиги муносабати билан адлия органлари ва муассасаларида электрон коммуникация

технологияларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб мувофиқликни текшириш мунтазамлигини ошириш таклиф этилмоқда.

3.3. Коррупция хавфини самарали бартараф этиш мақсадида коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқишда қуйидаги мезонларни назарда тутиш таклиф этилмоқда: қонун ҳужжатларини такомиллаштириш орқали қонун ҳужжатларидаги бўшлиқларни бартараф этиш; оммавий ҳуқуқий муносабатларда инсон омилининг таъсирини камайтириш; коррупцияга энг мойил бўлган процедуралар ва функцияларни рақамлаштириш; ошкораликни таъминлаш, жамоатчилик назоратини ўрнатиш таклиф этилмоқда.

3.4. “Коррупциясиз соҳа” ва “Коррупциясиз ҳудуд” лойиҳалари доирасида амалга оширилаётган ишлар натижасида коррупцияга қарши курашишнинг идоравий механизмларини амалга ошириш самарадорлигини ошириш вазифаси долзарб бўлиб қолмоқда, буни эса “Коррупцияга қарши эксперимент” намунавий лойиҳаси доирасида тартибга солиш орқали ҳал этиш таклиф этилмоқда.

**SCIENTIFIC COUNCIL № DSc.31/31.12.2020.Yu.67.01 FOR AWARDING
SCIENTIFIC DEGREES AT THE ACADEMY OF THE GENERAL
PROSECUTOR'S OFFICE OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

LAW ENFORCEMENT ACADEMY OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

SAFAROV TEMUR UKTAMOVICH

**IMPROVEMENT OF INTERNAL ANTI-CORRUPTION MECHANISMS
(BY THE EXAMPLE OF THE MINISTRY OF JUSTICE OF THE
REPUBLIC OF UZBEKISTAN)**

12.00.12 – Problems of Corruption (legal sciences)

ABSTRACT
of doctoral thesis (PhD) on legal sciences

Tashkent – 2024

The theme of the doctor of philosophy (PhD) dissertation was registered at the Higher Certification Commission under the Ministry of Higher Education, Science and Innovation of the Republic of Uzbekistan under number № B2023.2.PhD/Yu620.

The dissertation was completed at the Law Enforcement Academy Republic of Uzbekistan.

The abstract of the dissertation is posted in three (Uzbek, Russian, English (summary)) languages on the website of the Scientific Council (www.proacademy.uz) and Information educational portal Ziyonet (www.ziyonet.uz).

Supervisor: **Ismailov Bakhodir Islamovich**
Doctor of Sciences in Law, Professor

Official opponents: **Zufarov Rustam Akhmedovich**
Doctor of Sciences in Law, Professor

Tuxtasheva Umida Abdilovna
Doctor of Sciences in Law, Professor

The leading organization: **Academy of Public Administration under the President of the Republic of Uzbekistan**

The defense of the dissertation will take place on “23” April 2024 at 10:30 at the meeting of the Scientific Council DSc.31/31.12. 2020.Yu.67.01 at the Law Enforcement Academy of the Republic of Uzbekistan. (Address: 100047, Tashkent, Yunusabad district, Rikhsili street, 9. Tel.: (99871) 202-04-96; fax: (998971) 233-35-81; e-mail: info@proacademy.uz).

The dissertation can be found at the Information Resource Center of the Law Enforcement Academy of the Republic of Uzbekistan (registered under No. 40). (Address: 100047, Tashkent, Yunusabad district, Rikhsili street, 9, e-mail: info@proacademy.uz).

The abstract of the dissertation distributed on “09” April 2024
(Registry protocol No. 06 of “09” April 2024)

M.M. Mamasiddiqov
Chairman of the Scientific Council for awarding scientific degrees, Doctor of Sciences in Law, Professor

SH.I. Shayzakov
Scientific secretary of the Scientific Council on awarding scientific degrees, Doctor of Philosophy in Law (PhD), Associate professor

M.A. Aminjanova
Chairman of the Scientific seminar under the Scientific Council awarding scientific academic degrees, Doctor of Sciences in Law, Professor

INTRODUCTION (abstract of doctoral (PhD) dissertation)

The aim of the research is development of proposals for improving the legal and theoretical foundations of departmental anti-corruption mechanisms using the example of the Ministry of Justice of the Republic of Uzbekistan, approved by departmental and intradepartmental acts, as well as identifying shortcomings that impede their effectiveness.

The object of the research is departmental administrative legal relations to combat corruption in the system of the Ministry of Justice of the Republic of Uzbekistan.

The scientific novelty of the study are as follows:

justified the introduction into legislation of the definition of the concepts “corruption risk assessment”, “corruption risk”, “corruption risk map”, “residual corruption risk” to eliminate ambiguities in law enforcement practice;

based on the introduction of the procedure for organizing and conducting an assessment of corruption risks in the justice authorities, as well as based on its results, the establishment of a unified procedure for assessing corruption risks in government bodies is justified;

a procedure has been developed aimed at preventing corruption offenses by monitoring residual corruption risks that were identified during the assessment of corruption risks in the functions of justice bodies and institutions;

in connection with the need to form a legal framework in accordance with the requirements of international standards and acts, as well as to prevent latent crimes related to the receipt of gifts by government officials, the introduction of a departmental mechanism for receiving and giving gifts in the system of the Ministry of Justice of the Republic of Uzbekistan has been developed and justified;

based on the results of testing the procedure for receiving and giving a gift in the system of the Ministry of Justice of the Republic of Uzbekistan, a legislative framework for the concept of “gift”, as well as the restrictions associated with it, was developed and justified.

Implementation of the research results are as follows:

a proposal to define the concept of “corruption risk assessment”, “corruption risk”, “corruption risk map”, “residual corruption risk”, as well as forms of eliminating corruption risks are reflected in the Methodology for identifying and assessing corruption risks in the activities of public authorities and management, including their territorial divisions, state unitary enterprises and institutions, organizations with a state share of more than 50 percent, approved by a joint resolution of the Anti-Corruption Agency and the Ministry of Justice of the Republic of Uzbekistan (August 31, 2022, reg. No. 3383) (*Reference Anti-Corruption Agency dated December 19, 2022*). As a result of the legal consolidation of the above definitions, discrepancies in their definition have been eliminated, in particular approaches to understanding the causes and conditions of corruption as ineffective anti-corruption propaganda or failure to understand the essence of responsibility for corruption crimes;

proposals to control identified residual corruption risks in the functions of justice bodies and institutions are reflected in the Methodology for assessing corruption risks in the system of the Ministry of Justice of the Republic of Uzbekistan, approved by order of the Minister of Justice of the Republic of Uzbekistan dated February 24, 2020 No. 45-um (*Reference Ministry of Justice of the Republic of Uzbekistan dated June 23, 2022 No. 1-03/03-355/8*). As a result of the establishment of this procedure, it was possible to take permanent anti-corruption measures aimed at reducing this type of corruption risks;

the proposal to establish a procedure for conducting, identifying and assessing corruption risks in government organizations is reflected in the decree of the President of the Republic of Uzbekistan “On measures to improve mechanisms for eliminating corruption risks in public administration and expanding public participation in this area” dated May 11, 2022 No. PP -240 (*Reference Ministry of Justice of the Republic of Uzbekistan dated June 23, 2022 No. 1-03/03-357/8*). As a result, a single simplified procedure for the annual assessment of corruption risks in government bodies has been established;

a proposal to regulate the procedure for receiving gifts by employees of justice bodies and institutions is reflected in the Rules of Ethical Conduct for Employees of Justice Bodies and Institutions of the Republic of Uzbekistan, approved by order of the Minister of Justice of the Republic of Uzbekistan dated February 24, 2020 No. 43-um (*Reference Ministry of Justice of the Republic of Uzbekistan dated June 23, 2022 No. 1-03/03-356/8*). As a result, restrictive measures have been established for the commission of latent corruption offenses related to these actions;

proposal to establish requirements for receiving gifts by state civil servants, providing for a definition of the concept of “gift”. At the same time, the establishment of prohibitions on receiving them by state civil servants from individuals and legal entities for the performance or non-fulfillment of official powers of a state civil servant in their interests, except in cases of receiving them for special merits on the basis of a relevant decision of a government body, as well as receiving gifts as a result of achievements in championships and competitions, awards in connection with public holidays, significant dates and other official events (including gifts received during business trips, as well as in connection with international events) was used in Article 18 Law “On State Civil Service” of August 8, 2022 No. ZRU-788 (*Reference Committee of the Legislative Chamber of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan on democratic institutions, non-governmental organizations and self-government bodies of citizens dated January 13, 2023 No. 04/10-10-3*). As a result, a uniform procedure has been established for all state civil servants to receive gifts and to limit latent corruption offenses associated with these actions.

The structure and scope of the dissertation. This dissertation consists of an introduction, three chapters, nine paragraphs, a conclusion, a list of references and appendices. The volume of the dissertation is 154 pages.

**СПИСОК ОПУБЛИКОВАННЫХ РАБОТ
ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ
LIST OF PUBLISHED SCIENTIFIC WORKS**

I часть (I бўлим; I part)

1. Сафаров Т.У. Давлат органларида коррупциявий омилларни бартараф этиш – соҳа тараққиётининг муҳим омили. Юридик фанлар ахборотномаси / Вестник юридических наук / Review of law science. Махсус сони. 2020. – В. 233-235.
2. Сафаров Т.У. Общие теоретические аспекты коррупции в органах государственного управления. YURISPRUDENSIYA / 2021/2 Т.– С. 142-149.
3. Сафаров Т.У., Шакуров Р. Коррупцияга қарши ички комплаенс-назорат тизими: келиб чиқиши, ривожланиши ва ҳозирги ҳолати. Нуқуқ ва бurch №12/2021. –Б. 10-13.
4. Сафаров Т.У. Давлат ташкилотлари функцияларини бажариш жараёнида коррупция хавфларини аниқлаш – коррупцияга қарши курашишнинг самарали механизми. Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида рақамлаштириш халқаро конференция. Т. 2022 – В. 247-252.
5. Safarov T.U. Davlat tashkilotlarida korrupsiyaviy xavf-xatarlarni aniqlash. Нуқуқ ва бurch №7/2022 - В. 16-19.
6. Сафаров Т.У. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятини очиқлигини таъминлашнинг ҳуқуқий жиҳатлари. Юрист ахборотномаси ҳуқуқий, ижтимоий, илмий-амалий журнали №3 (2022). В- 120-124
7. Safarov T.U. Davlat boshqaruvi sohasida korrupsiyaviy xavf-xatarlarin aniqlashning maqsad va natijalari //“Davlat boshqaruvi sohasida korrupsiyaviy xavf-xatarlarni bartaraf etish mehanizmlarini takomillashtirish masalalari”: respublika ilmiy-amaliy konferensiya materiallari to‘plami (6-7 апрел 2022 йил) – Toshkent davlat yuridik universitetining Ixtisoslashtirilgan filiali, Тошкент 2022. – В.90-94.
8. Safarov T.U. Prerequisites for the emergence of departmental anti-corruption mechanisms. World Bulletin of Management and Law (WBML). Volume 17, 2022 – PP.71-73.
9. Safarov T.U. Improving the legal framework for managing conflicts of interest in the public sector of the republic of Uzbekistan. International bulletin of applied science and technology. Volume 3, 2023 – P. 226-234.
10. Safarov T.U. Korrupsiyaga qarshi kurashish bo‘yicha ko‘nikmalarni oshirishning o‘ziga xos jihatlari. Нуқуқ ва бurch. №6/2023 – 54-57 б.
11. Сафаров Т.У. Анализ внешнего и внутреннего контекста определяющие наличия условий для коррупции в государственном секторе. Юрист ахборотномаси ҳуқуқий, ижтимоий, илмий-амалий журнали №4 (2023) Т. –С.125-131.
12. Сафаров Т.У. Давлат органларида коррупцияга қарши курашиш бўйича масъул шахс “Халоллик офицери”// Ilm – fan ta’limda innovatsion yondashuvlar, muammolar, taklif va yechimlar. Respublika miqyosidagi ilmiy-ommabop konferensiya.Т.: 2024. Б. 5–12.

13. Safarov T.U. The role and importance of internal anti-corruption measures in the prevention of corruption offenses// Science and innovation ideas in modern education. International conference. Turkey. Vol. 1 No. 11 (2024).

14. Сафаров Т.У. Роль и значение ведомственных мер по противодействию коррупции в предупреждении коррупционных правонарушений // Юридик фан ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг долзарб муаммолари. “Ёш олимлар минбари”. Илмий-амалий конференция материаллари II жилд Тошкент. 2020. С.388-393

II часть (II бўлим; II part)

15. Сафаров Т.У., Шакуров Р. Адлия органлари ва муассасаларида коррупцияга қарши ички назорат тизими: саволлар ва жавоблар [матн]: қўлланма. ҳаммуаллифликда Т.: Baktria press, 2022 – 48 б.

Автореферат “Бош прокуратура Академияси Ахборотномаси” журнали таҳририятида таҳрирдан ўтказилиб, рус, ўзбек ва инглиз тилларидаги матнлар ўзаро мувофиқлаштирилди.

Босишга рухсат этилди: 09.04.2024
Бичими: 60x84 1/8 «Times New Roman»
гарнитурда 14 рақамли босма усулда босилди.
Шартли босма табоғи 3. Адади: 100. Буюртма: № 25
100060, Тошкент, Я. Фуломов кўчаси, 74.
Тел.: +998 90 9722279, www.tiraj.uz
«TOP IMAGE MEDIA»
босмахонасида чоп этилди.